



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Дадабоева Мадина
Қўқон университети
БТ йўналиши 2-курс талабаси

Юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама етук бўлиб улғайиши, уларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом шаклланиши доимо эътиборда бўлиб келмоқда. Бугунги кунда замонавий билим ва кўникмаларга эга, юқори ахлоқий қадриятларга асосланган мутахассисларни тайёрлаш – Янги Ўзбекистон ёшлари учун белгиланган асосий йўналишлардан биридир.

Сўнгги йилларда ёшларнинг экологик маданиятини ривожлантиришга алоҳида урғу берилмоқда. Ҳар бир инсонда атроф-муҳитга онгли муносабатни шакллантириш, юртимиз табиатини асраш туйғусини уйғотиш, экологик муаммолар ечими учун зарур шартлардан бири сифатида қаралмоқда.

Бола дунёга келганидан бошлаб, у дастлаб оилада тарбияланади, кейин эса боғчага қатнай бошлайди. Шу даврдан бошлаб унда табиатга меҳр уйғотиш зарур. Масалан, сувнинг ифлос ва тоза ҳолатдаги фарқлари, ресурсларни тежаш, гулларга ғамхўрлик қилиш каби оддий, лекин муҳим тушунчалар орқали экологик тарбия берилиши керак. Болага нонни ерга ташламаслик, дарахтни синдирмаслик ҳақида уқтириш унинг табиатга ҳурмат билан муносабатда бўлишига замин яратади.

Экологик маданиятнинг шаклланишида оила муҳим рол ўйнайди. Аждодларимиз асрлар давомида табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиб келган. “Сувни исроф қилма”, “нонни ерга ташлама”, “хайвонга озор етказма” каби иборалар халқимиз онгида чуқур ўрнашган. Аммо бугунги ёшлар орасида бу қадриятлар унутилиб бораётгани ачинарли ҳол.

Қадимги урф-одатларимизда табиатни асраш муҳим ўрин тутган. Янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс босқичида ҳам бу қадриятларни ёшларга етказиш, уларда юртга, табиатга меҳр уйғотиш барчамизнинг бурчимиздир. Бу эса уларнинг эстетик дидини оширади, онгини бойитади ва келажакка масъулият билан қарашга ўргатади.



Шунингдек, айнан аёллар жамиятда фарзанд тарбиясида муҳим ўрин тутгани боис, улар экологик тарбияда ҳам етакчи бўлишлари лозим. Табиатга меҳрли фарзандлар айнан оналар тарбияси орқали вояга етади.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали талабаларнинг экологик билимларини мустахкамлаш мумкин. Компютер дастурлари орқали экологик вазиятларни моделлаштириш, уларни таҳлил қилиш талабаларда реал муаммоларни англашга ёрдам беради.

Экологик муаммолар бугунги даврнинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу борада талабаларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, экологик ечимларни мустақил топишга ундаш таълимнинг асосий вазифасидир. Дарс жараёнида замонавий педагогик усуллардан фойдаланиш, очиқ фикр билдиришга шароит яратиш талабанинг ижодкорлик салоҳиятини оширади.

Талабаларга экологик қонунлар, халқаро экологик лойиҳалар ҳақида маълумот бериш, уларни фаол иштирок этишга жалб қилиш ҳам муҳим. Бу орқали улар табиатни муҳофаза қилишга масъулият билан ёндашишни ўрганадилар.

Хулоса қилиб айтганда, бизнинг устувор вазифамиз – келажак авлодни экологик маданиятли, билимли ва онгли мутахассислар сифатида тарбиялашдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қорабоев С.Б. Талабаларда экологик маданиятни шакллантиришнинг психологик- педагогик асослари. Academic research educational sciences. Volume 2 (Issue 4) 2021. P.168.
2. G'ulomov A.B. Jadid mutafakkirlarining ekologik madaniyatga doir qarashlari: tarixiy– falsafiy tahlil Falasafa fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi. – Buxoro: BuxDU. 2021. – B.16

Research Science and
Innovation House

